

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

Х У К М

Protected by PDF Anti-Copy Free

Жиноят ишлари бўйича Бўстонлик туман суди, 2024 йил 5 февраль куни, ўз биносида, очик суд мажлисида,
(Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark)

Раислик қилувчи судья Ж.Ҳожаев,

Судья ёрдамчиси Д. [Redacted] занинг котибалигида, тарафлардан давлат айбловчиси Бўстонлик тумани прокурорининг ёрдамчиси С.Зафаров, судланувчи Ж. [Redacted] вни ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи “Odil Himoya Tarafdori” адвокатлик бюроси адвокати М.Абдуллаев, судланувчи Ж.Абсаломовни ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи “Olmaliq Huquq” адвокатлик фирмаси адвокати А.Дадаевлар иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 251¹-моддаси 3-қисми билан айбланган Ж.Хамраев ҳамда Ж.Абсаломовларга оид 1-1106-2402/29-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра,

Хамраев Жавлонбек Абдунаби ўғли (Хамраев Жавлонбек Абдунаби о'ғ'ли) 1991 йил 12 февраль куни Тошкент вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта махсус, ҳарбий хизматга мажбур, оилали, 1 нафар фарзанди бор, муқаддам судланган:

1. Жиноят ишлари бўйича Олмалик шаҳар судининг 2023 йил 26 майдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 251¹-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилиб, ЖКнинг 62-моддаси тартибида 2 йил 8 ой 19 кун муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланган, ўталмай қолган жазо муддати 2 йил 5 ой 27 кунни ташкил қилади;

вақтинча ишсиз, Тошкент вилояти, Олмалик шаҳар, Ойдин м.ф.й., Улуғбек кўчаси, 77-уй, 72-хонадонда истиқомат қилувчи, айблов хулоса нусхасини 2024 йил 22 январь куни олган, иш бўйича “гаров” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган.

Абсаломов Жавлон Мухидинович (Absalomov Javlon Muxidinovich) 1989 йил 24 ноябрь Тошкент вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, ҳарбий хизматга мажбур, оилали, 2 нафар фарзандлари бор, муқаддам судланган:

1. Жиноят ишлари бўйича Пскент туман судининг 2015 йил 5 декабрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 3-қисми “г” банди билан айбли деб топилиб, 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2015 йил 2-сессиядаги "Амтисий уғрида"ги Қарорининг 2-бандига асосан озод қилинган, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 77-78-моддаларига асосан судланган қолати тугалланган;

вақтинчалик рақамсиз, Тошкент вилояти, Пскент тумани, Аҳил м.ф. - Термизий кўчаси рақамсиз уйда истиқомат қилини, айблов хулоса нусхасини 2024 йил 22 январь куни олган, иш бўйича "гаров" тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган.

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмаларини тинглаб, иш хужжатларини тафтиш қилиб, тарафларнинг музокара нутқи ва судланувчиларни ҳимоя ва охирги сўзларини эшитиб, йиғилган далилларга ҳуқуқий баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И

Юқоридагиларга ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 465-468, 471, 473-моддаларига асосан, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Судланувчи **Хамраев Жавлонбек Абдунаби ўғли** (Хамраев Javlonbek Abdunabi o'g'li) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 251¹-моддаси 3-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилсин ва унга шу модда билан 7 (етти) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60, 61-моддалари тартибида тайинланган жазога жиноят ишлари бўйича Олмалик шаҳар судининг 2023 йил 26 майдаги ҳукми билан тайинланган жазони ўталмай қолган қисмини қисман қўшиш йўли билан узил-кесил Ж.Хамраевга ўташ учун 7 (етти) йил 6 (олти) ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазо умумий тартибли колонияларда ўтаттирилсин.

Жазо ўташ муддати 2024 йил 5 февралдан бошлаб ҳисоблансин.

Ж.Хамраевга нисбатан қўлланилган "гаров" тарзидаги эҳтиёт чораси "қамоққа олиш" тарзидаги эҳтиёт чорасига ўзгартирилиб, у дарҳол қамоққа олинсин ҳамда Чирчиқ шаҳар ИИБ ВУТХ орқали Ўзбекистон Республикаси ИИБ ҳузуридаги ЖИЭД 1-сон тергов ҳисбхонасига жойлаштирилсин.

Тошкент вилоят ИИББ ҳузуридаги ТБ депозит рақамига 2023 йил 1 декабрдаги қвитанцияга асосан топширилган 6.600.000 (олти миллион олти юз минг) сўм пул маблағлари гаровга қўювчи Ж.Хамраевнинг яқин қариндошига қайтарилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддасига асосан Ж.Хамраевга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жойларида

политоксикоманиядан (регапен, тропикамид) мажбурий тартибда даволаниш чораси қўлланилсин.

Protected by PDF Anti-Copy Free

(Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark)

Судланувчи **Абсаломов Жавлон Мухидинович** (Absalomov Javlon Muxidinovich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 251¹-моддаси 3-қисмида назарда тутилган жиноятни қўлдан қўйганликда айбдор деб топилсин ва унга ЖКнинг 57-моддасининг 1-қисмида белгиланган тартибда, 5 (беш) йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазо умумий тартибли колонияларда ўтаттирилсин.

Жазо ўташ муддати 2024 йил 5 февралдан бошлаб ҳисоблансин.

Ж.Абсаломовга нисбатан қўлланилган “гаров” тарзидаги эҳтиёт чораси “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чорасига ўзгартирилиб, у дарҳол қамоққа олинсин ҳамда Чирчиқ шаҳар ИИБ ВУТХ орқали Ўзбекистон Республикаси ИИБ ҳузуридаги ЖИЭД 1-сон тергов ҳисбхонасига жойлаштирилсин.

Тошкент вилоят ИИББ ҳузуридаги ТБ депозит рақамига 2023 йил 4 декабрдаги қвитанцияга асосан топширилган 6.600.000 (олти миллион олти юз минг) сўм пул маблағлари гаровга қўювчи Ж.Абсаломовнинг яқин қариндошига қайтарилсин.

Жиноят иши бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган:

- Чирчиқ шаҳар ИИБ ҳузуридаги тергов бўлимида махсус омборда сақланаётган “Тропикамид капли глазные 1,0% Tropicamide 10 мл” ёзувли 17 дона флаконлардаги рангсиз суюқликлар ҳукм қонуний кучга кирган сўнг йўқ қилинсин;

- тадбирда ишлатилган 3.200.000 сўм миқдоридаги пул маблағи аризачи Д.Муллажоновга тилхат асосида қайтарилганлиги инобатга олинсин;

- 1 дона DVD дискни жиноят иши ҳужжатларида сақлансин.

Тезкор тадбир давомида судланувчилар томонидан хизмат автомашинага қасддан техник шикаст етказганлик ҳолати бўйича манфаатдор тарафларга фуқаролик ишлари бўйича судга моддий ва маънавий зарар ундириш ҳақида даъво ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 497⁴-моддасига мувофиқ, апелляция шикояти ва протестлари ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, маҳкум томонидан эса унга ҳукмнинг кўчирма нусхалари топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида ушбу суд орқали Тошкент вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига берилиши, ЖКнинг 498-моддасига асосан биринчи инстанция судининг ҳукмлари, ажримлари, агар улар апелляция тартибида кўрилмаган бўлса, кассация тартибида қайта кўрилиши мумкин.

Раислик қилувчи:

ИМЗО

Ж.Ҳожаев

Аслига тўғри:-

Protected by PDF Anti-Copy Free

(Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark)

